



**“КЕЛИШИЛДИ”**

Ўзбекистон Республикаси

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантиришни вазирийинг биринчи ўринbosари

А.Файзулаев

2015 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси

Оний ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги



*Енб*

08 2015 йил

**“Компьютер технологиялари ва информатика” таълим соҳаси бўйича  
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни,  
сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган**

## **МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

### **I боб. Умумий қоидалар**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларини педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

“Компьютер технологиялари ва информатика” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос хисобланади.

### **II боб. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар**

**Педагог кадрлар қўйидаги йўналишларда билим, кўникма ва  
малакаларга эга бўлиши лозим:**

- олий таълим Давлат таълим стандарти, олий таълим Давлат таълим стандарти классификатори, кадрлар тайёрлаш тегишли таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;

- олий таълим тўғрисидаги норматив-хукукий ва директив хужжатларни билиш;

- бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда кўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- асосий ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш принциплари хақида маълумотга эга бўлиш;
- ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини ўзлаштириш;
- ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асосларини билиш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турларини (лекциялар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойихалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш кўникмасига эга бўлиш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик гоялари асосида маънавий-ахлокий ва тарбиявий ишларни олиб бориш малакаларига эгалик;
- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;
- чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асосларини ўзлаштириш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда кўллаш малакасига эгалик;
- талабаларда танқидий фикрлашни шакллантира олиш кўникмасига эга бўлиш;
- бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режаларини ва фанлар дастурларини шакллантириш малакасига эгалик;
- талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;
- талабаларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш малакасига эга бўлиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни билиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш;
- иктидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда кўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

**Олий таълим муассасалари педагог кадрлари қўйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:**

**Хуқуқий компетентлик** – таълимнинг норматив-хуқуқий хужжатларини, конунчилик нормаларини билиш ҳамда касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш, локал норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиши, конунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

**Касбий компетентлик** – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуслар, замонавий таълим технологиялари,

педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва гурӯҳий интервью) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни кўллай олиш ва доимий тақомиллаштириб бориш; таълим олувчилар билан ўкув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив гоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек, бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда кўллаш.

**Информацион компетентлик** - педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва қасбий фаолияти билан боғлик маълумот, ахборотларни мустакил излаш, таҳдил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарурӣ ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустакил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўкув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

**Коммуникатив компетентлик**- таълим жараёнида самарали мулоқотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилар, ота-оналар, ҳамкаслар, ходимлар билан мулоқот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиклик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдимотларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

**III боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўкув режасининг  
тасдиқланган Намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим  
муассасалари педагог кадрларига қўйиладиган  
малака талаблари**

**III.1. Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари**

**Педагог кадрлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимга оид фармонлари, қарорлари моҳиятини ва уларда белгиланган устувор йўналишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги таълим-тарбия масалаларига оид гоялар мазмун-моҳиятини;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олий таълимга оид Қарорларини;

- маҳсус ваколатли давлат органларининг буйруклари мазмунини;

- таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормаларини;

- тегишли таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, шунингдек, ўкув режалари ва фан дастурлари мазмуни, аҳамиятини;
- меҳнат конунчилиги, олий таълим муассасасининг Устави, жамоа шартномасининг мазмунини;
- талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини ва назорат турларини **билиши**;
- норматив-хуқуқий хужжатлар асосида педагогик фаолият ва ўкувтарбия жараёнларини ташкил этиш;
- локал норматик хужжатларни яратиш ва улар билан ишлаш;
- шахсий ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларни тизимли бажариш;
- бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ўкув жараёни сифатини таъминлаш;
- дарс берадиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича фан дастурлари, тематик режаларни тузиш;
- талабалар билим, малака ва кўникмаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини адолатли баҳолаш;
- норматив-хуқуқий хужжатлар асосида илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида **кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак**.

## III.2. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### Педагог кадрлар:

- олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини;
- “педагогик технология”, “инновацион таълим техноологиялари” тушунчасининг моҳияти ва илмий асосларини;
- инновацион жараёнларининг кечиши боскичларини;
- педагогик технологиянинг таснифи, конуниятлари, тамойиллари ва мезонларини;
- олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини;
- ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгти ютуқларни;
- таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асосларини;
- инновацион таълим технологияларининг йўналишлари ва турларини;
- шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишларини;
- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни;
- педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмуни ва тузилишини;
- педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмларини;

- педагогик деонтология асосларини;
- нутқ техникаси ва риторика асосларини **билиши**;
- таълим олувчи шахсини билиш, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва шахс сифатларини баҳолай олиш;
- таълимнинг инновацион шакл, метод ва воситаларидан ўкув жараёнида фойдалана олиш;
- очик маъруза, амалий машғулотларни лойихалаштириш, ташкил этиш ва рефлексия;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор тажрибалар, замонавий ёндашувларни таҳлил этиш ва улардан педагогик фаолиятда самарали фойдалана олиш;
- ўкув машғулотлари (лекциялар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойихалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ни самарали ташкил этиш;
- самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибаларни таҳлил эта олиш ва ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш;
- шахсга йўналтирилган таълим технологияларини амалиётда қўллай билиш;
- таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, таянч сигналлар орқали ўқитиш, истиқболли ўқитиш, табакалаштирилган ўқитиш ва бошқ.)ни ўкув-тарбия жараёнларига татбиқ этиш;
- ўқитишнинг модулли таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- интерфаол таълим методлари, график организерлардан ўкув жараёнида фойдаланиш;
- кейслар банкини яратиш ва ўкув фаолиятида фойдаланиш;
- электрон ўкув модулларини яратиш;
- педагог портфолиоси ва силлабусларни яратади олиш;
- чет тилларнинг бирида соҳага оид терминлардан машғулотларда эркин фойдаланиш;
- ўкув машғулотларини ташкиллаштириш ва олиб боришда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан фойдаланиш;
- аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш;
- педагогик фасилитацияни йўлга қўйиш;
- семинар-тренинглар, кичик гурухларда ишлашни ташкил эта олиш;
- таълим жараёнидаги эркин, ижодий мухитни ташкил эта олиш;
- ўкув лойихалари, портфолиолар, аутентик материалларни яратади олиш ва ўкув мақсадларига йўналтириш;
- таълим жараёнидаги педагогик низоларни бартараф этиш;

- коммуникатив компетентлик, педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- касбий фаолиятида замонавий педагог имиджини яратা олиш;
- овоз тони, темпини тўғри танлаш ва нутқнинг софлигини таъминлаш;
- талабалар билан ижодий, таълимий ҳамкорликни йўлга кўйиш;
- талабалар мустақил таълимини самарали ташкил этиш ва баҳолаш;
- замонавий талаблар асосида ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориш **кўникма ва малакалари**га эга бўлиши керак.

### **III.3. Ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш**

#### **Педагог кадрлар:**

- АКТ соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлар мазмуни ва аҳамиятини;
- ахборот технологиялари, компьютер техникиси ва унинг курилмаларини;
- компьютер тармоқлари, Интернет ва электрон почта асосларини;
- компьютернинг дастурний таъминоти, ахборот ҳавфсизлиги тамоилларини;
- Microsoft Office дастурлари (Word, Exsel, Power Point, Access) ва замонавий дастурний пакетларни;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турларини;
- педагогик дастурний воситалар ва уларнинг турларини;
- педагогик дастурний воситаларни яратишга қўйиладиган дидактик, методик талабларни **билиши**;
- Microsoft Office дастурлари ва замонавий дастурний пакетлар ёрдамида ўқув-методик материалларни тайёрлаш;
- силлабус ва электрон ўқув методик мажмуа ҳакида умумий тасаввурга эга бўлиш ва электрон ўқув методик мажмуани яратана олиш;
- масофавий таълимнинг дастурний таъминотидан ўқув жараёнида фойдалана олиш;
- масофавий таълим учун ўқув-методик таъминотни яратиш;
- педагогик дастурний воситалардан ўқув жараёнида қўллай олиш;
- талабаларнинг мустақил таълими учун электрон мулокот муҳитини яратиш;
- компьютер тармоқлари, Интернет, электрон почта ва тармоқ технологиясидан мустақил фойдалана олиш;
- глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- электрон хужжат алмашиш дастурлари ва улардан касбий фаолият жараёнида фойдалана олиш;
- талабалар билан замонавий АКТ воситалари асосида мулокот қилиш кўникмасига эга бўлиш;

- компьютер вирусларидан химояланиш дастурларидан фойдалана олиш;
- электрон мониторинг тизимида маълумотларни киритиш, саклаш ва таҳлил қилиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

### **III.4. Амалий хорижий тил**

#### **Педагог кадрлар:**

- чет тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, умумевропа стандартларини;
- тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув)ни билиши;
- чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб боришда фойдаланиш;
- чет тилида тинглаб тушуниш, гапириш, ўкиш, ёзиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш орқали умумевропа стандартининг талаб этиладиган В1 даражасига етказиш;
- мавзуга оид турли коммуникатив топшириклар воситасида тил кўникмаларини ахборот қабул қилиш ва етказиш учун қўллаш;
- тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув) хақида билимларга эга бўлиш ҳамда тил ўргатилаётган ва ўрганилаётган шароитни оптимал белгилай олиш;
- чет тилларни ўрганиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, интернет сайtlаридан ўз соҳасига оид материалларни танлаб олиш ва таҳлил қила олиш;
- хорижий тилда тинглаб тушуниш, ўкиш, гапириш ва ёзув;
- тил амалиёти аспекти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида);
- чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш;
- мутахассисликка оид матнларни ўкиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, яъни сухбатдошига ўз фикрини чет тилида баён эта олиш, диалогик ва монологик нутқ ёрдамида сўзлашиш ҳам ёзма мулокотга киришиш;
- хорижий тилда фикрни равон баён қилиш;
- лингвистик компетенция (tingлаб тушуниш, ёзиш, ўкиш, гапириш);
- дискурс компетенция (матннинг муайян соҳага тегишлилигини ажратা олиш);
- стратегик компетенция (кўйилган мавзуга ёндошган ҳолда нутқни мантикий ифодалаш);
- маданиятларро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш кўникмасига эга бўлиш);
- икки тилли лугатлардан эркин фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиш;

- ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид чет тилидаги атамаларни кўллай олиш **кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак**.

### **III.5. Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари**

#### **Педагог кадрлар:**

- тизимли таҳлилнинг асосий тушунча, стратегия ва тамойилларини;
- тизимли таҳлил иерархиясини;
- тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишга таъсир этувчи омилларни;
- педагогик вазиятлар ва қарор қабул қилиш усулларини;
- талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнларида тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилишнинг ўзига хослигини **билиши**;
- қарор қабул қилишда оптималь усулларни топиш;
- ноаниқ вазиятларда қарор қабул қилиш;
- муқобиллик тамойили асосида қарорлар қабул қилиш;
- талабаларнинг индивидуал-психологик ва креатив ривожланиш даражасини тизимли таҳлил эта олиш;
- тизимли таҳлил методларидан ўз мутахассислиги йўналишида фойдалана олиш;
- тизимли таҳлилдан олинган натижаларни ва хulosаларни илмий асослай билиш;
- педагогик жараён натижаларини тизимли таҳлил қилиш, хulosалар чиқариш;
- қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларидан фойдаланиш;
- педагогик вазиятларда стратегик ва тактик қарорлар қабул қилиш;
- ўз касбий фаолиятини тизимли таҳлил этиш ва бошқариш **кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим**.

### **III.6. Махсус фанлар**

#### **Педагог кадрлар:**

- замонавий компьютерлар турлари, уларни модернизация қилиш йўлларини билиш;
- замонавий дастурлаш тиллари ва технологияларидан фойдалана олиш;
- ахборот ресурсларига ишлов бериш тамойилларини билиш;
- ахборот тизимларини моделлаштириш ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- дастурий таъминот соҳасидаги инновациялардан хабардор бўлиш;
- 3D моделлаштириш ва анимациялар яратиш;
- аудиовизуал ахборотни компьютерда тасвирлаш;
- визуал эффектларни ва рақамли контентлар учун махсус эффектлар яратиш;
- компьютер графикасининг дастурий таъминоти бўйича билимларга эга бўлиш;
- компьютер тизимлари ва тармоқларида ахборот химоясининг муаммоларини таҳлил қилиш;

- криптографик протоколлар, уларга кўйилган асосий талаблар, криптографиянинг муҳим масалаларига тегишли маълумотларга эга бўлиш;
- химояланган компьютер тизимлари ва тармоқларини куриш;
- маълумотларни қайта ишлаш принципларини билиш;
- медиа таълим технологияларини амалда кўллай олиш;
- моделлаштириш тамойилларини билиш;
- мультимедия технологияларини ўкув жараёнида кўллаш;
- тизимли дастурий таъминот турлари ва улардан фойдаланиш;
- электрон хукумат тизими ва уни амалга ошириш асосларини билиш;
- офис дастурларида электрон ўкув-методик материалларини яратиш;
- 3D технологияларини билиш ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- 3D моделларни яратиш ва харакатлантириш;
- ахборот чиқиб кетадиган ташкилий ва техник каналларни аниқлаш;
- ахборотни химоялаш ва криптография алгоритмлари, ҳамда, тармоқ химоясида қўлланиладиган воситалар ва усулларидан фойдаланиш;
- дастурий восита ва таъминотларни яратадиган олиш;
- дастурий таъминот турлари ва технологияларини ишлаб чиқиш;
- дастурий таъминотлар турларини амалда кўллаш ва таҳлил қилиш;
- дастурий таъминотни созлаш;
- компьютерларда муаммоли йўналтирилган масалаларни моделлаштириш ва уларни математик усуллар ёрдамида еча олиш;
- маълумотлар базасини бошқариш тизимларини қиёсий таққослаш ва таҳлиллаш;
- маълумотлар базасини яратиш технологияларини билиш ҳамда улардан таълим жараёнида самрали фойдаланиш;
- обьектга мўлжалланган дастурлаш технологияларидан амалда фойдаланиш;
  - симсиз алоқа тизимларида ахборот ҳимоя тизимини қўллаш;
  - тизимли таъминотни созлаш ва таҳлил қилиш;
  - медиатаълим технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш;
  - ахборот тизимларида функционал ва проект масалаларни ечиш;
  - дискрет ва узлуксиз ахборот ресурслари ва уларни қайта ишлаш;
  - мутахассислик масалаларининг математик моделларини куриш;
  - мутахассислик фанларидан инновацион ўкув машғулотларини лойихалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- статистик ва динамик маълумотлар ва уларга ишлов бериш;
- тизимли ва амалий дастурий таъминотларни таҳлиллаш ва фарқлаш;
- турли платформа учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш технологиясидан фойдаланиш;
- компьютер технологиялари ва информатика соҳасидаги инновациялар ва илғор тажрибаларни амалда кўллай олиш **кўнималарига эга бўлиши лозим.**

#### IV боб. Якуний қоида

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иктисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади.

Тошкент ахборот  
технологиялари ректори  
2015 йил “\_\_\_”



Х.А.Мухитдинов